SCIENCE
PROBLEMS.UZ

ISSN 2181-1342

Actual problems of social and humanitarian sciences
Актуальные проблемы социальных и гуманитарных наук

# Ijtimoiy-gumanitar fanlarning dolzarb muammolari

Son 4. Jild 4.
2024

**ISSN:** 2181-1342 (Online)
**Сайт:** https://scienceproblems.uz
**DOI:** 10.47390/SPR1342V4I4Y2024

# SCIENCEPROBLEMS.UZ

## ИЖТИМОИЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

***№ 4 (4) - 2024***

## АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

### ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

**ТОШКЕНТ-2024**

**БОШ МУҲАРРИР:**

Исанова Феруза Тулқиновна

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

*07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:*

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Уктам Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Аброр – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

Турсунов Равшан Нормуратович – тарих фанлари доктори, Ўзбекистон Миллий Университети;

Холикулов Ахмаджон Боймахамматович – тарих фанлари доктори, Ўзбекистон Миллий Университети;

Габриэльян Софья Ивановна – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Миллий Университети.

*08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:*

Карлибаева Рая Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Насирходжаева Дилафруз Сабитхановна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Остонокулов Азамат Абдукаримович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент молия институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўктамович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Хожаев Азизхон Саидалохонович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Фарғона политехника институти

Холов Актам Хатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Хамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б, Тошкент молия институти;

Шакаров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

*09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:*

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яхшиликов Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Саидова Камола Усканбаевна – фалсафа фанлари доктори, “Tashkent International University of Education” халқаро университети;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Ўроқова Ойсулув Жамолиддиновна – фалсафа фанлари доктори, доцент, Андижон давлат тиббиёт институти, Ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси мудири;

Носирходжаева Гулнора Абдукаххаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Турдиев Бехруз Собирович – фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Бухоро давлат университети.

*10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳасанов Шавкат Аҳадович – филология фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Бахронова Дилрабо Келдиёровна – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Мирсанов Ғайбулло Қулмуродович – филология фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Салахутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Рахман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Саидов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

*12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАР:*

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуротовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Хуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Ғайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Утемуратов Махмут Ажимуратович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳакимов Комил Бахтиярович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Юсупов Сардорбек Баходирович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби;

Жўраев Шерзод Юлдашевич – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Бабаджанов Атабек Давронбекович – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Раҳматов Элёр Жумабоевич - юридик фанлар номзоди, Тошкент давлат юридик университети;

*13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:*

Хашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

Каюмова Насиба Ашуровна – педагогика фанлари доктори, профессор, Қарши давлат университети;

Тайланова Шохида Зайниевна – педагогика фанлари доктори, доцент;

Жуманиёзова Муҳайё Тожиевна – педагогика фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Ибрахимов Санжар Урунбаевич – педагогика фанлари доктори, Иқтисодиёт ва педагогика университети;

Жавлиева Шахноза Баходировна – педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Самарқанд давлат университети;

Бобомуротова Латофат Элмуродовна - педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Самарқанд давлат университети.

*19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Каримова Васила Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбаҳор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Шамшетова Анжим Карамаддиновна – психология фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси.

*22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

*23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР*

Назаров Насриддин Атақулович –сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич –сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

**ОАК Рўйхати**

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари”** электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

**Муассис**: “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамияти

**Таҳририят манзили:**

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил: scienceproblems.uz@gmail.com

**Боғланиш учун телефонлар:**

(99) 602-09-84 (telegram).

***МУНДАРИЖА***

**07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ**

*Qurbonov Murodjon Dehqonboy o'g'li*
"KASHKULI SALIMIY" ASARIDA USMONIY HUKMDORLAR TARIXINING YORITILISHI........ 12-17

*Ismoilova Diyoraoy Xursandjon qizi*
AMIR NASRULLOH DIPLOMATIYASI .......... 18-23

*Турсунов Фаррух Ғуломович*
ЎЗБЕКИСТОН ҲУДУДИДАГИ ТОЖИКЛАРГА ХОС УРФ-ОДАТ ВА МАРОСИМЛАР .......... 24-28

*Usmonaliyev Isroiljon Ibrohimjon o'g'li*
FARG'ONA VODIYSIDA "O'ZBEK" ETNONIMINING TARQALISHI .......... 29-34

*Djurayev Ikrom Nematovich*
YEVROOSIYO CHORVADOR QABILALARINING FARG'ONA VODIYSIGA KIRIB KELISHI....... 35-40

*Esanova Nilufar Pulatovna*
MUSTAQILLIK YILLARIDA O'ZBEKISTONDA YENGIL SANOAT SOHASIDAGI O'ZGARISHLAR .......... 41-46

*Абдураҳимова Сабоҳат Эргаш қизи*
БУХОРО АМРЛИГИ ДАВРИДА ЧИРОҚЧИ ТУМАНИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ТАРИХИ .......... 47-53

*Toshturov Shuxrat*
MUSTAQILLIKKACHA BO'LGAN DAVRDA NAVOIY VILOYATI SANOAT KORXONALARINING EKOLOGIK MUHITGA TA'SIRI .......... 54-60

*Kanimkulov Olimjon Sheraliyevich*
AKADEMIK YAHYO G'ULOMOV FAOLIYATI HAQIDA QAYDLAR ("XORAZMNING SUG'ORILISH TARIXI" ASARI MISOLIDA).......... 61-65

*Begniyazova Gozzal Allambergenovna*
QORAQALPOQ XALQ ERTAKLARINING YIG'ILISHI VA NASHR QILINISHI.......... 66-70

**08.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ**

*Султонов Баходир Файзуллаевич, Тураева Гулизахро Каххоровна, Норбўтаев Бахтиёр Абдурахимович*
СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ДОНЛИ ЭКИНЛАР ХОСИЛДОРЛИГИНИНГ 2024-2027 ЙИЛГАЧА БЎЛГАН ПРОГНОЗ ПАРАМЕТРЛАРИ.......... 71-78

*Abdiganieva Zarapshan Salievna*
YANGI O'ZBEKISTONDA AHOLI TURMUSH DARAJASINI OSHIRISHDA TADBIRKORLIKNI RIVOJLANTIRISH ISTIQBOLLARI .......... 79-85

*Otaxonova Odinaxon Inomovna*
QORAMOLCHILIK MAHSULOTLARI IQTISODIY SAMARADORLIGINI OSHIRISHDA OZUQA BAZASINI YAXSHILASHNING ILMIY-NAZARIY ASOSLARI .......... 86-94

*Рахимов Ойбек Бахтиёрович*
СУҒУРТА ХИЗМАТЛАРИ БОЗОРИДА МАРКЕТИНГ ФАОЛИЯТИНИ РЕЖАЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ .......... 95-99

*Хушмурадов Оман Намозович*
СУВ ХЎЖАЛИГИНИ БОШҚАРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ .......... 100-110

*Saitkamolov Muxammadxoʻja Sobirxoʻja oʻgʻli, Karabayev Rustam Zafarovich*
BULUTLI TEXNOLOGIYALAR ASOSIDA BIZNES JARAYONLARNI TASHKIL ETISH YOʻLLARI ........ 111-125

*Фаттахова Муниса Абдухамитовна*
ПОНЯТИЕ И ПУТИ ЭФФЕКТИВНОГО УПРАВЛЕНИЯ КРЕДИТНЫМ ПОРТФЕЛЕМ КОММЕРЧЕСКИХ БАНКОВ ........ 126-133

*Isayev Jahongir Muzaffarovich*
SANOAT KORXONALARINI RIVOJLANTIRISHDA AXBOROT TIZIMINI TA’MINLASH IQTISODIY MEXANIZMNING ASOSIY YOʻNALISHI SIFATIDA ........ 134-140

**09.00.00 – ФАЛСАФА ФАНЛАРИ**

*Tilavova Umida Qahramonovna*
RAQAMLI JAMIYATLAR TIZIMIDA INFORMATSION ETIKA KATEGORIYA VA TAMOYILLARINING AHAMIYATI ........ 141-147

*Yulchiyev Avazbek Maxamadjonovich*
IJTIMOIY TEXNOLOGIYALAR HAQIDAGI G'OYALARNING SHAKLLANISH EVOLYUTSIYASI ........ 148-154

*Каримова Гулчеҳра Абдукаримовна*
ДУНЁ ДИНЛАРИ ВА ТАЪЛИМОТЛАРДА ОТАЛИКНИ ТУШУНИШ ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ ........ 155-163

*Turabova Sevara Kattaqulovna*
ISLOM FALSAFASIDA DALILLASH VA BAHS YURITISH USULI ZAMONAVIY ARGUMENTLASH NAZARIYASI TALQINIDA ........ 164-168

*Muminov Nozim Naimovich*
THE PHENOMENOLOGICAL APPROACH IS THE KEY TO UNDERSTANDING THE SPREAD AND TRANSFORMATION OF SUFISM IN THE WEST ........ 169-175

*Турсунов Мухиддин Болтаевич*
СОЦИАЛЬНЫЕ АСПЕКТЫ ФОРМИРОВАНИЯ СОВРЕМЕННОЙ МОЛОДЁЖИ ........ 176-180

*Mamarasulov Ulugʻbek Umirzoqovich*
SPORT TURLARINING FALSAFIY-ESTETIK TAHLILI ........ 181-184

**10.00.00 – ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ**

*Исанова Феруза Тулқиновна*
ЎЗБЕК ТИЛИДА ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ СОҲАСИГА ОИД ЛЕКСИК БИРЛИКЛАР ВА УЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ ........ 185-191

*Петрухина Наталья Михайловна*
КОРАНИЧЕСКИЕ МОТИВЫ В ТВОРЧЕСТВЕ А.С.ПУШКИНА И ЕГО СОВРЕМЕННИКОВ ........ 192-197

*Исаров Оман Рисалиевич*
ЎЗБЕК ВА ИНГЛИЗ ТИЛЛАРИДА ТАКСИС КОНВЕРБИАЛ ВЕРБАЛИЗАЦИЯСИ ........ 198-205

*Родина Ирина Витальевна*
АНТИНОМИЧЕСКАЯ ПАРА «МЕСТЬ» И «ПРОЩЕНИЕ» В ПОВЕСТИ-СКАЗКЕ Л. БОРОДИНА «ГОД ЧУДА И ПЕЧАЛИ» ........ 206-211

*Ataeva Gulchekhra Bakhtiyorovna*
THE ROLE OF IDIOMS IN ENHANCING BUSINESS COMMUNICATION: A STUDY ON THE USAGE OF IDIOMS IN BUSINESS LETTERS ........ 212-220

*Erkinova Marxobo*
ASSOTSIATIV MAYDON HOSIL QILISHDA LINGVISTIK OMILLARNING O‘RNI ........ 221-229

*Gulyamova Shahzoda Baxtiyor qizi*
O‘ZBEK VA INGLIZ TILLARIDAGI MATNLARNING SINTAKTIK STRUKTURASI VA PRAGMATIK XOSLANISHI ........ 230-234

*Batyrkhanova Madina Oybekovna*
THE SOMATIC CULTURAL CODES IN THE STUDY OF ENGLISH, RUSSIAN AND UZBEK PHRASEOLOGISMS ........ 235-244

*Aslonov Shahram Sherzod ugli, Saidova Marjona Abdimutal qizi*
PECULIARITIES OF TRANSLATION OF POLITICAL TEXTS IN SIMULTANEOUS INTERPRETATION ........ 245-250

*Olimova Dilafruzxon Baxtiyorjon qizi*
INGLIZ VA O’ZBEK TILLARIDA SUBYEKTIV BAHONING IFODALANISHI ........ 251-254

*Bobojonov Dilshod Jumaqul o‘g‘li*
INGLIZ VA O‘ZBEK GAZETA SARLAVHALARIDA PUBLISISTIK USLUB BELGILARINING NAMOYON BO‘LISHI ........ 255-260

*Абдуллаева Нилуфар Рамазоновна, Шаймарданова Мухлиса Усмановна*
СЕМАНТИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ КОНЦЕПТА “РАСТЕНИЕ” В СОПОСТАВЛЯЕМЫХ ЯЗЫКАХ ........ 261-266

*Xayrulloeva Sitora Lutfulloevna*
PSYCHOLOGICAL NOVELS OF US AND THE DEVELOPMENT OF PSYCHOLOGYSMS ........ 267-272

*Qudratova Muxiba Kamolovna*
“LYUIS KERROLLNING ALISA MO‘ JIZALAR MAMLAKATIDA ASARIDAGI HAYVON OBRAZLARINING O‘ZIGA XOS XUSUSIYATLARI” ........ 273-279

*Убоженко Анна Станиславовна*
ОСОБЕННОСТИ ТЮРКСКИХ ЗАИМСТВОВАНИЙ В РУССКОМ ЯЗЫКЕ ........ 280-285

*Тухтаева Наргисхон Исамутдиновна*
ОТРАЖЕНИЕ ДУХОВНОГО УПАДКА ОБЩЕСТВА И ЕГО ПОСЛЕДСТВИЙ В ХУДОЖЕСТВЕННОЙ ЛИТЕРАТУРЕ ........ 286-292

*Gulnora Xolmurodova Sattorovna, Bo‘ronova Mekkamtosh Xoliqulovna*
INGLIZ VA O’ZBEK LISONIY MANZARASIDA MAQOLLARNING O’RNI ........ 293-297

*Алибаева Лола Намазовна*
ЖЕНСКИЕ ОБРАЗЫ В РАССКАЗАХ Л. ПЕТРУШЕВСКОЙ ........ 298-303

*Eshqurbonova Aziza Bozor qizi*
DIALOGIK NUTQDA SAVOLLARNING IFODALANISHI ........ 304-308

*Norova Rahima Fayzulloevna*
O'ZBEK VA INGLIZ ADABIY ERTAKCHILIGIDAGI SEHRLI VOSITALARNING QO'LLANISHIDA O'XSHASH JIHATLAR ........ 309-316

*Egamberdiyeva Iroda Abdurahimovna*
TRANSLATIONS OF HISTORICAL WORKS INTO ENGLISH ........ 317-323

*Axmedova Adolat Ravshan qizi*
GASTRANOMIYA TUSHUNCHASI HAMDA GASTRANOMIK REKLAMA MATNLARI ........ 324-330

*Asqarova Madina Boymurod qizi*
KORPUS LINGVISTIKASIDA MATN ANNOTATSIYASINING LINGVISTIK MUAMMOLARI ........ 331-334

*Калниязов Есемурат Шамшетович*
ГОСТЕВОЙ ЭТИКЕТ И СИСТЕМА ЦЕННОСТЕЙ ........ 335-342

**12.00.00 – ЮРИДИК ФАНЛАР**

*Bahodir To‘raev*
HUQUQIY MADANIYAT VA HUQUQIY TARBIYANING DEMOKRATIK DAVLAT RIVOJLANISHIDAGI ROLI ........ 343-351

*Турсоатов Содиқ*
РАҒБАТЛАНТИРУВЧИ ҲУҚУҚИЙ СИЁСАТ ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИ ........ 352-357

*Хидиров Фурқат Шукуруллаевич*
МАҲАЛЛА ҲУҚУҚ-ТАРТИБОТ МАСКАНИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТАРТИБИНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ ........ 358-363

*Рахимбаев Уткир Файзуллаевич*
ПРАВОВЫЕ АСПЕКТЫ КРИТЕРИЕВ ОЦЕНКИ ИНФРАСТРУКТУРЫ И СЕРВИСА ДЛЯ ТУРИСТОВ ........ 364-372

*Турсынбаев Азизбек Халмурзаевич*
МЕЖВЕДОМСТВЕННОЕ ВЗАИМОДЕЙСТВИЕ КАК СПОСОБ РЕАЛИЗАЦИИ ИСПОЛНИТЕЛЬНОЙ ВЛАСТИ ........ 373-377

*Yakubov Abduraxmon Turayevich*
TA’LIM HUQUQINING HUQUQIY SAVODXONLIKNI AMALGA OSHIRISHDAGI O‘RNI ........ 378-382

*Rasulov Salimbek Baxtiyor o‘gli*
YEVROPA KENGASHINING KORRUPSIYA UCHUN JINOIY JAVOBGARLIK BO‘YICHA KONVENSIYASI – KORRUPSIYAGA QARSHI KURASHNING ZAMONAVIY XALQARO HUQUQIY ASOSLARIDAN BIRI SIFATIDA ........ 383-387

**13.00.00 – ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ**

*Хайров Расим Золимхон угли*
АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ МЕТОДИЧЕСКОЙ ПОДГОТОВКИ БУДУЩИХ УЧИТЕЛЕЙ ИЗОБРАЗИТЕЛЬНОГО ИСКУССТВА ........ 388-395

*To’rayev Panji To’xtayevich*
OLIY TA’LIM MUASSASASIDA KURASHCHILARNI PSIXOLOGIK JIHATDAN TAYYORLASH ........ 396-400

*Xushnazarova Ma’mura Nodirovna*
TALABALARNI KASBIY-PEDAGOGIK FAOLIYATGA TAYYORLASHDA IJTIMOIY FAOLLIKNING AHAMIYATI ........ 401-406

*Yuldasheva Sayyora Aliaskarovna*
TA'LIM TIZIMIDA INGLIZ TILINI INTEGRATSION O'QITISH ........ 407-411

*Turdimurodov Dilmurod Yo’ldoshevich*
SPORT MASHG’ULOTLARI JARAYONIDA PEDAGOGIK NAZORATNING AHAMIYATI ........ 412-418

*Абдувахобов Искандер, Гизатулина Ольга Ивановна*
ОРГАНИЗАЦИЯ ОБРАЗОВАТЕЛЬНОГО ПРОЦЕССА В СМЕШАННЫХ СРЕДАХ ПЕДАГОГИЧЕСКОГО ВУЗА ........ 419-426

*Назарова Озода Шавкатовна*
СОВРЕМЕННЫЕ ПОДХОДЫ И МЕТОДЫ ПРЕПОДАВАНИЯ ИНОСТРАННОГО ЯЗЫКА В ВЫСШЕМ УЧЕБНОМ ЗАВЕДЕНИИ ........ 427-432

*Pirnazarova Sevara Doniyor qizi*
OLIY O‘QUV YURTLARIDA XORIJIY TILNI O‘QITISHDA O‘YIN USULLARINI QO‘LLASH ........ 433-438

*Ko’ziyeva Gulnoza Maxamadaliyevna*
BOSHLANG'ICH SINF O'QITUVCHILARINING PEDAGOGIK SALOHIYATINI OSHIRISH METODIKASI ........ 439-444

*Умирзокова Сурайё*
ТАЛАБАЛАРНИНГ КИНЕТИК ИНТЕЛЛЕКТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ТАЖРИБАСИ ........ 445-451

*Olimova Nigora*
MUVAFFAQIYATLI O’RGANISHDA SINFNI BOSHQARISH KO’NIKMALARINING AHAMIYATI ........ 452-463

*Nabiyeva Firuza Odil qizi*
“ELEKTROMAGNETIZM” BO’LIMINI O’QITISHDA AMALIY MASHG’ULOTLARNING AHAMIYATI ........ 464-471

*Sobirova Oygul Alimovna*
BO‘LAJAK MUSIQA O‘QITUVCHILARIDA METODIK KOMPETENTLIKNI RIVOJLANTIRISHNING MAVJUD HOLATINI TAHLILIY BAHOLASH ........ 472-479

*Shermatov G’ulom Kaxxorovich*
IMPROVING THE TECHNIQUE OF BADMINTON SPORTS TRAINING ........ 480-486

*Shamirzayeva Zarifa Xudoyorovna*
TALABALARDA KASBIY KO`NIKMALARNI SHAKLLANISHIDA MIKROTA`LIM O`QITISH TEXNOLOGIYASINING SAMARALI JIHATLARI ........ 487-492

*Ziyadullayeva Dilafruz Xudayberdiyevna*
O’SMIRLARDA YETAKCHILIK XUSUSIYATLARINI RIVOJLANTIRISHDA KOMPETINSIYAVIY FAOLIYATNING PEDAGOGIK ASOSLARI ........ 493-498

*Muydinov Firuzjon Farxodjonovich*
TIBBIY TA’LIM TALABALARIDA MEDIAKOMPETENTLIKNI RIVOJLANTIRISH METODIKASI ........ 499-505

*Egamberdiyeva Feruza Abdimannonovna*
MULTIMEDIA TEXNOLOGIYALARIGA ASOSLANGAN DASTURIY TA‘MINOTNI LOYIHALASH ........ 506-510

*Худойбердиева Дурдона Баходир қизи*
ЛИЧНОСТНО-ОРИЕНТИРОВАННАЯ ТЕХНОЛОГИЯ ОБУЧЕНИЯ В РАБОТЕ С ОДАРЕННЫМИ ДЕТЬМИ ДОШКОЛЬНОГО ВОЗРАСТА ........ 511-516

*Курбонов Дониёрбек Кахрамонович*
ОБУЧЕНИЕ ПОЭЗИИ С ПРИМЕНЕНИЕМ СТРАТЕГИИ РАЗВИТИЯ КРИТИЧЕСКОГО МЫШЛЕНИЯ ........ 517-524

*Shamsiddinov G'iyos Xusniddin o'g'li, Jurayeva Feruza Baxtiyor qizi*
IQTISODIYOT YO'NALISHI TALABALARIGA EKONOMETRIKA FANINI O'TISHNING INTERAKTIV USULLARI ........ 525-532

*Эрназаров Алишер Эргашевич, Бекмурадов Зариф Хуррамович*
ЎҚУВ МАШҒУЛОТЛАРИНИНГ МОДУЛЛИ ВА ЛОЙИҲАЛАШТИРИЛГАН ТУРЛАРИ ҲАМДА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ........ 533-539

SCIENCE PROBLEMS.UZ

Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари. -№ 4 (4) - 2024
ISSN: 2181-1342 (Online)
https://scienceproblems.uz

**Каримова Гулчеҳра Абдукаримовна**
Тошкент ахборот технологиялари университети
“Ижтимоий фанлар” кафедраси катта ўқитувчиси

# ДУНЁ ДИНЛАРИ ВА ТАЪЛИМОТЛАРДА ОТАЛИКНИ ТУШУНИШ ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

**Аннотация.** Мазкур мақолада бугун бутун дунёда оила институти инқирози, хусусан, никоҳлар беқарорлиги, ажрашишлар сони ортиши, никоҳсиз туғилишларнинг кўпайиши, оилавий ҳаёт ва фарзанд тарбиясига тоқатсизлик каби муаммоларга тўқнаш келаётган даврда оталикнинг диний ва дунёвий таълимотлардаги мақоми келтирилган. Фалсафада файласуфлар оталикни оила аъзоси сифатида оиланинг ўзаро муносабатларини белгиловчи асосий бўғин сифатида талқин қиладилар. Ота оиланинг ижтимоий мавқеини шаклланишида, оилада ахлоқий меъёрлар ва қадриятларни белгилаб берувчи муҳим механизм эканлигини эътироф этилган. Ота ўз фарзандлари учун обрў ва намуна бўлиб, уларнинг шахсияти ва ахлоқий қарашларини ривожлантиришга ёрдам беради деб баҳоланган. Оталик мақомининг ахлоқий жиҳатларини, оталик одоб-ахлоқи ўз фарзандлари, турмуш ўртоғи ва жамият олдидаги масъулиятини англаш ташкил қилиши ёритиб берилган.
**Калит сўзлар:** Оталик мақоми, дунёвий динлар, муқаддас учлик, “Карма”, “Аҳимса”, оила иерархияси, оилавий қадриятлар, аждодларни эъзозлаш.

**Gulchekhra Abdukarimovna Karimova**
Senior lecturer at the Department of Social Sciences
at the Tashkent University of Information Technologies

# UNDERSTANDING FATHERHOOD IN WORLD RELIGIONS AND TEACHINGS AND ITS SPECIFIC ASPECTS

**Abstract.** This article presents the status of fatherhood in religious and secular teachings at a time when the whole world is facing a crisis in the institution of the family, in particular, instability of marriages, an increase in the number of divorces, and an increase in the birth rate. extramarital affairs, intolerance towards family life and raising children. In philosophy, philosophers interpret fatherhood as a family member as the main link that determines family relationships. It is recognized that the father is an important mechanism for shaping the social status of the family, determining moral norms and values in the family. The father is considered an authority and role model for his children, helping to develop their personality and moral views. It is explained that the moral aspects of fatherhood, the morality of a father, is an understanding of his responsibility to his children, spouse and society.
**Key words:** Fatherhood, secular religions, holy trinity, “Karma”, “Ahimsa”, family hierarchy, family values, veneration of ancestors.

**Каримова Гульчехра Абдукаримовна**
Старший преподаватель кафедры «Общественные науки»
Ташкентского университета информационных технологий

# ПОНИМАНИЕ ОТЦОВСТВА В МИРОВЫХ РЕЛИГИЯХ И УЧЕНИЯХ И ЕГО СПЕЦИФИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ

**Аннотация.** В данной статье представлен статус отцовства в религиозных и светских учениях в то время, когда весь мир сталкивается с кризисом института семьи, в частности, нестабильностью браков, ростом количества разводов, ростом рождаемости. внебрачные отношения, нетерпимость к семейной жизни и воспитанию детей. В философии философы трактуют отцовство как члена семьи как главное звено, определяющее отношения в семье. Признано, что отец является важным механизмом формирования социального статуса семьи, определяющим моральные нормы и ценности в семье. Отец считается авторитетом и примером для подражания для своих детей, помогая развивать их личность и нравственные взгляды. Объясняется, что нравственные аспекты отцовства, нравственность отца – это понимание его ответственности перед детьми, супругом и обществом.

**Ключевые слова:** Отцовство, светские религии, святая троица, «Карма», «Ахимса», семейная иерархия, семейные ценности, почитание предков.

DOI: https://doi.org/10.47390/SPR1342V4I4Y2024N21

**Кириш.** Дунё динлари ва диний таълимотларда оталик алоҳида маъно ва ўзига хос жиҳатларга эга воқеилик сифатида талқин қилинади. Улар дунёвий динлар ва диний таълимотларга қараб бир-биридан фарқ қилиши мумкин. Лекин моҳиятан оталикни муқаддас ва масъулиятли вазифа сифатида талқин этилади.

Ота ўз фарзандларига ғамхўрлик қилувчи, уларга йўл-йўриқ кўрсатувчи ва қўллаб-қувватловчи қиёфада тавсифланади. Диний ғоялар ва қарашларда Оталик ҳам Худо ва жамият олдидаги алоҳида ахлоқий ва маънавий масъулиятли вазифа сифатида талқин қилинади.

Ота оила ва жамият ҳаётининг турли жабҳаларида маданий ва диний илдизларга эга эканлигини кўрсатади. Жаҳон динларида ота кўпинча оила ва бутун жамиятнинг уйғунлиги ва фаровонлигига ҳисса қўшадиган ўзига хос фазилатлар ва масъулиятга эга шахс сифатида қаралади.

**Адабиётлар таҳлили ва методология.** Диний таълимотларда оталикни тушуниш ва унинг ўзига хос жиҳатларини кўриб чиқамиз. Хусусан Христианлик таълимотида оталик маънавий ва ахлоқий жиҳатларга эга бўлиб, улар Худони самовий Ота сифатида тасвирлайди. Христианликда Отанинг бу тасвири насроний анъаналарида оталикни тушуниш учун асос бўлиб хизмат қилади.




Христианликда ота ўз фарзандлари ва оиласининг моддий эҳтиёжларини таъминловчи, балки болаларнинг маънавий камолоти ва тарбияси ҳақида ҳам ғамхўрлик қилиш масъулияти зиммасидаги бурч саналади. «Ота насронийлик қадриятларига мувофиқ қарор қабул қилувчи ва оиласини маънавий ўсиш ва фаровонлигини таъминловчи оила бошлиғи ҳисобланади»[1:31]. Христианликда «Ота»,

«Ўғил» ва «Муқаддас Руҳ» ғояси Худонинг сирли бирлигини ифодалайди. Бу учлик илоҳий моҳиятнинг учта жиҳати ўзида акс эттирсада, аслида, ягона илоҳий яхлитликни ташкил қилади. «1. Ота — Худо дунёнинг яратувчиси, ҳамма нарсага қодир ва ҳамма нарсани билувчи зот сифатида ифодаланади. 2. Ўғил — инсониятнинг нажоткори, Исо Масиҳдир. 3. Муқаддас Руҳ инсонларга тасалли берувчи, ҳақиқатни билишда йўл кўрсатувчидир»[2:37]. Худонинг сирли бирлиги мураккаб ҳодиса бўлиб, буни инсон онги тўлиқ англаб етмайди. Муқаддас учлик ғояси христиан дини амалларининг кўп жиҳатлари учун асосдир.

Буддизм таълимотида оталик алоҳида аҳамият эга бўлиб, бу масалага ёндашув бошқа диний анъаналардан фарқ қилиб, асосий эътибор оталикнинг ахлоқий жиҳатларига қаратилади. Ота раҳм-шафқат, донишмандлик сиймосида тасвирланади. Буддизмда ота ўз фарзандларига нисбатан ғамхўр, доно ва раҳмдил бўлишга даъват этилади. Фарзандларига эзгулик, меҳр-оқибат, адолат ва зўравонлик қилмасликни ўргатиш кераклиги уқтирилади. Буддизмда ота ўз фарзандлари учун намуна бўлиши, уларга Буддизм таълимотининг қадриятлари ва тамойилларини ўргатиши, уларнинг маънавий-руҳий ривожланишини ўзининг асосий бурчи деб билиши керак.

Буддизмдаги оталикнинг ўзига хос хусусияти — ўз оиласи фаровонлиги учун масъулиятни ўз зиммасига олишда намоён бўлади. Буддизмда оталик «Карма» таълимоти асосига қурилган. «Карма – ҳаракат, бурч ва фаолият бирлигига асосланиб тақдирнинг синоними сифатида ҳам ифодаланади. Ҳинд фалсафасининг асосий масалаларидан бири»[3:107]дир. Буддизмда оталикнинг муҳим жиҳати, ота-оналар ва болалар ўртасидаги кармик алоқани тушунишдир. Ота ўз ҳаракатларига ва сўзларига эҳтиёт бўлишга чақирилади, чунки улар фарзандларининг маънавий ривожланишига таъсир қилиб, салбий оқибатларга олиб келиши мумкин деб ҳисоблайди. Шундай қилиб, Буддизм таълимотида оталик маънавий ўсиш, раҳм-шафқат ва доноликни ривожлантирувчи ва таълимотнинг қадриятларини кейинги авлодга етказувчи мақомида қадрланади.

Ислом таълимотида оталик жуда муҳим ўрин тутади ва ўзига хос жиҳатлари бор, улар пайғамбар Муҳаммад (с.а.в.) ҳаёт йўли ва суннатларида ўз ифодасини топган. Исломда ота оила бошлиғи бўлишга, оиласининг моддий эҳтиёжларини таъминлашга, фарзандларининг маънавий-ахлоқий камолотига ғамхўрлик қилишга чақирилган.

Ислом динида ўртасидаги муносабатларнинг давомийлигини таъминлаш учун ўзига хос қонун-қоидалар жорий қилинган. Бунда оилавий ҳаётнинг асосий ташкилотчилари ва аъзолари бўлмиш эр ва хотиннинг ҳар бирига ўзига хос бурч ва вазифалар юкланган, бир-бирига нисбатан ҳақ-ҳуқуқлари ҳам белгилаб берилган. Бу ҳақда Қуръони Каримнинг бир қатор сураларида оятлар келтирилади: **«Эркаклар хотинлар устидан** (оила бошлиғи сифатида доимий) **қоим турувчилардир. Сабаби–Аллоҳ уларнинг айримлари** (эркаклар)**ни айримлари** (аёллар)**дан** (баъзи хусусиятларда) **ортиқ қилгани ва** (эркаклар ўз оиласига) **ўз мол-мулкларидан сарф қилиб туришларидир»[4]** (Нисо сураси, 34-оят); **«Ва яхшилик ила уларнинг бурчлари муқобилида ҳақлари ҳам бордир»[5]** (Бақарасураси, 228-оят). Агар ер ва хотин бу қоидаларга амал қилса, бир-бирига нисбатан зиммасидаги бурч ва масъулиятини ҳис қилиб сидқидилдан адо этса, бундай оила бахт ва саодат қасрига айланади. Бундай оилада туғилган фарзандлар ҳам гўзал тарбия топади ва улардан

жамиятга фойдаси тегадиган инсонлар етишиб чиқади. Ислом дини ҳар бир эр ва хотин учун ўзига хос ҳуқуқларни ишлаб чиқиш билан бирга, уларга муайян мажбуриятларни ҳам юклаган. Буларнинг баъзилари эр ва хотин ўртасида муштарак бўлса, баъзилари эрга, баъзилари хотинга тегишлидир.

Исломда ота оила бошлиғи ва ислом тамойилларига мувофиқ қарор қабул қилиши ва оилавий муносабатлар ва вазифаларни бажаришда оиласига раҳбарлик қилиши керак. У ўз оиласининг моддий эҳтиёжларини таъминлашга, уни ҳимоя қилишга ва барча оила аъзоларининг фаровонлиги ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдир.

Исломда ота ҳам фарзандлари учун донолик, бағрикенглик, раҳм-шафқат ва кечиримлилик намунаси бўлишга чақирилган. У фарзандларига оилавий қадриятларни ва ахлоқни, бурчларини қандай бажаришни ўргатиши керак.

Исломда оталикнинг муҳим жиҳати болаларнинг оталарига кўрсатиши керак бўлган ҳурмат ва иззатдир. Исломда ота-онага ҳурмат диний фарзларни адо этишнинг муҳим жиҳатларидан бири саналади.

Ислом таълимотида оталик фарзанд тарбияси ва оилани ҳимоя қилиш учун Аллоҳ ва жамият олдидаги масъулиятни англаш билан ҳам боғлиқ. Ота пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в)дан ўрнак олиб, ўз оиласига нисбатан адолатли, меҳрибон ва ғамхўр бўлиши лозим.

Демак, ислом таълимотида оталик бурчларини адо этишни, оилага ғамхўрлик қилишни, фарзандлар учун ахлоқ намунаси бўлишни тақозо этувчи ижтимоий мақомдир.

**Муҳокама.**Конфуцийликда оталик асосий мақом ҳисобланиб, шахснинг жамият олдидаги мажбуриятларни бажарувчи тимсол сифатида ифодаланади. Конфуций таълимотида оталик оила иерархияси билан боғлиқ ҳолда ривожланувчи бирлик, ота оила бошлиғи бўлиб, оиласи ва фарзандлари олдида бир қатор масъулиятлар юкланган.

Конфуцийнинг оила тушунчаси тарихда узоқ вақтдан бери мавжуд бўлиб, у нафақат давлати қонунчилигини ишлаб чиқиш ва тузумни мустаҳкамлаш учун асос бўлибгина қолмай, балки жамиятда оиланинг ҳар бир аъзоси ҳаракатларини белгилаб берувчи асосий йўл-йўриққа айланган[6:69]. Конфуций таълимотида оталикнинг асосий жиҳатлари:

1. Намуна. Конфуцийликда ота ўз фарзандлари ҳаётнинг барча жабҳаларида улар учун намуна бўлиши керак. У ўз фарзандларига қадриятлар, ахлоқий тамойиллар ва билимларни берадиган мураббий вазифасини бажаради.

2. Оила иерархияси. Конфуций таълимотида оила жамиятнинг асоси сифатида қаралиб, оилада тотувлик ва тартибни сақлашда ота асосий роль ўйнайди. Ота ўз оиласининг фаровонлиги ҳақида қайғуриши, унинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириши керак.

3. Мажбурият ва бурчлар. Конфуцийликда ота ўз фарзандлари олдидаги бурчларини бажариши, уларни ҳимоя қилиш, таълим ва тарбия беришга мажбурдир. Фарзандларига ҳам ғамхўрлик ва меҳр кўрсатиши, уларга эзгулик ва ахлоқий фазилатларни ўргатиши керак.

4. Наслни давом этишини таъминлаш. Конфуцийликда оталикнинг муҳим жиҳати наслни давом эттириш ва оилавий анъаналар, қадриятлар ва мулкни отадан ўғилга

ўтказишдир. Бу оилавий меросни сақлаш ва аждодларни ҳурмат қилиш ғояси билан боғлиқдир.




Конфуцийликда оталик оилавий иерархия, анъаналар ва ахлоқий тамойилларни ҳурмат қилишга асосланган мажбуриятлар, масъулият ва қадриятларнинг мураккаб тизимидан иборатдир.

Конфуцийликда оталик бурч ва масъулиятидан иборат бўлиб қолмай, шунингдек, “болаларнинг ота-оналари олдидаги бурчлари ва мажбуриятларини англатувчи жиҳатларни ҳам ўз ичига қамраб олган”[7:126]. Оилада ота ва болалар ўртасидаги ўзаро ҳурмат, ғамхўрлик ва ёрдамга асосланган муносабатлар тизими Конфуций ахлоқида муҳим ўрин тутади.

Шунингдек, оила “ўзаро ҳурмат ва бўйсунишга” асосланади. Масалан болалар ота-онасига, аёл эрига, ука эса акасига бўйсуниши керак. Ушбу концепция оилавий муносабатларни мустаҳкамлаш ва оилада тартибни сақлашга асосланган.

Конфуцийликдаги оталик бурч ва масъулияти нафақат билим ва кўникмалар бериш, балки ўз фарзандларининг ахлоқий қадриятлари ва характерини шакллантириши керак. Уларга эзгулик, ҳалоллик, катталарга ҳурмат, урф-одатларни ўргатиши керак.

Жайнизмда оталик муҳим ижтимоий мақомга ва ўзига хос хусусият ва жиҳатларга эга. Жайнизм – зўравонлик қилмаслик (аҳимса), аскетизм ва руҳий камолотга интилишга асосланган қадимги ҳинд таълимоти. Жайнизмдаги оталик қуйидаги ўзига хос жиҳатларни ўз ичига олади:

**Масъулият ва ғамхўрлик:** Жайнизмда оталик отадан ўз фарзандларига нисбатан масъулиятли, ғамхўр ва меҳрли бўлишни талаб қиладиган муқаддас тақдир сифатида қаралади. Ота ўз фарзандларининг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондиришга мажбурдир.

**Тарбия:** Жайнизмдаги ота ўз фарзандларига нафақат билим ва кўникма бериш, балки уларга маънавий қадриятларни, ахлоқни ҳам ўргатиши керак. Жайнизмдаги оталик карма (тушунчасига юқорида муаллиф томонидан изоҳ берилган) таълимоти ва қайта туғилиш цикли билан боғлиқ ҳолда талқин қилинади, шунинг учун ота ўз фарзандларининг маънавий ривожланишига ёрдам бериши керак.

**Тимсол ва намуна:** Жайнизмдаги ота ўз фарзандларига ўрнак бўлиши керак. У ўз фарзандларини руҳий ривожланишини, Аҳимса (зўравонлик қилмаслик) ва

жайнизмнинг бошқа маънавий-руҳий қоидаларига амал қилишни ўргатиш каби бурч ва масъулиятни юклайди.

**Ўз хатти-ҳаракатларига жавобгарлик:** Жайнизм ҳар бир инсон ўз ҳаракатлари (карма) ва уларнинг оқибатлари учун жавобгардир, деб ҳисоблайди. Ота фарзандларига карма ҳақида ўргатиши ва уларга ижобий ҳислатларни шакллантириш, тўғри қарор қабул қилишга ёрдам бериши керак.

**Jaynizmda otalik muhim ijtimoiy maqomga va o‘ziga xos xususiyat va jihatlarga ega**

***4-rasm***




Шундай қилиб, Жайнизмдаги оталик ушбу диннинг маънавий-ахлоқий таълимотлари билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, отадан болаларни тарбиялаш ва ўқитиш учун алоҳида масъулият талаб қилади, шунингдек, ота ва болалар ўртасидаги муносабатларда намуна ва ибратни таъминлаш муҳим воқейлик ҳисобланади.

Зардуштийликда оталик ўзига хос хусусият ва жиҳатларга эга. Зардуштийлик энг қадимги яккахудолик таълимотларидан бири бўлиб, у Заратуштра пайғамбар (зардуштий) таълимотига асосланган бўлиб, у дуализм, эзгулик ва ёмонлик ўртасидаги курашни тарғиб қилган, шунингдек, инсоннинг ирода эркинлиги ҳақидаги таълимотдир. Зардуштийликдаги оталик қуйидаги ўзига хос жиҳатларни ўз ичига олади:

**Оилавий қадрият:** Зардуштийликда оила ва ота-она олий қадрият ҳисобланади. Ота оила бошлиғи ҳисобланиб, фарзандларининг фаровонлиги ва маънавий ривожланиши учун жавобгардир.

**Донолик ва ахлоқ намунаси:** Зардуштийликда ота фарзандлари учун донолик, ҳалоллик, ахлоқ ва эзгулик намунаси бўлиши керак. Фарзандларига зардуштийликнинг фазилат (аша), ҳақиқат (арта) ва тўғри хатти-ҳаракатлар каби маънавий қадриятларини ўргатиши керак.

**Ғамхўрлик ва ҳимоя:** Зардуштийликдаги ота ўз фарзандларининг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондиришга, уларни ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлашга мажбурдир. У ҳар қандай қийинчилик ва тўсиқларда фарзандларига ёрдам беришга тайёр бўлиши керак.

**Таълим ва устозлик:** Зардуштийликда ота ўз фарзандларига устоз вазифасини бажариш керак. Уларга зардуштийликнинг эътиқоди, урф-одатлари ва таълимотлари тўғрисидаги билимларни бериб, уларнинг маънавий шахс сифатида камол топишига ёрдам бериши керак[8:65].

**Аждодларни эъзозлаш:** Зардуштийлик динида аждодларни ҳурмат қилишга катта эътибор берилган. Ота ота-боболари билан алоқани сақлаб қолиш ва оилавий

анъаналарни давом этиш занжири ва оилавий қадриятларни фарзандларига етказиши керак.




Демак, зардуштийликда оталик юксак ахлоқий меъёрлар, эзгулик ва тўғри ҳаракатга ўргатишдек масъулиятли вазифа сифатида қаралган.

Монизм фалсафий таълимот бўлиб, унга кўра дунё ягона тамойил ёки субстанциядан иборат. Оталик ва унинг монизмдаги ўзига хос жиҳатлари нуқтаи назаридан уни ижтимоий муносабатлар ва ҳодисаларнинг бирлиги ва ўзаро боғлиқлиги занжири сифатида талқин қилади. Монизмда оталикнинг асосий жиҳатлари:Оила ва жамоанинг бирлиги: дунёни монистик тушунишда барча мавжудот ва ҳодисалар ягона модда ёки энергия билан боғланган. Бу контекстда оталикни бир бутуннинг бир қисми сифатида кўриш мумкин - оила, жамият ёки бутун дунё. Ота оилада бирлик ва тотувликни таъминловчи бўғин вазифасини бажаради.Уйғунлик ва мувозанат таъминловчи: Монизмда дунёда уйғунлик ва мувозанатни сақлаш руҳий амалиётнинг муҳим жиҳати ҳисобланади. Ота оила ва жамият аъзоси сифатида фарзандлари ҳаётининг турли жабҳалари ўртасидаги мувозанатни таъминлаш орқали оилада тотувликни сақлашга масъулдир.Янгиланиш ва ўзгаришни таъминловчи: Монизм дунёдаги барча мавжудот ва ҳодисалар бир-бири билан боғланиб, ўзаро таъсирда эканлигини таъкидлайди. Ота ўз фарзандларининг яратувчиси ва устози сифатида уларнинг ўзгариши ва ривожланишида муҳим рол ўйнайди, бу бутунликнинг уйғун қисмларига айланишига ёрдам беради. Табиатга ва оламга ҳурмат: Оламни монистик тушунишда табиат ва олам бир бутун, шу жумладан барча тирик ва жонсиз мавжудотлар сифатида қаралади. Ота бу бутунликнинг бир қисми сифатида табиатни ҳурмат қилиши, атроф-муҳитни асраши ва фарзандларини атрофдаги дунёни қадрлашга ва ҳимоя қилишга ўргатиши керак.Маънавий юксалиш ва маърифатли бўлишни таъминлаш: Монизмда оталикни маънавий юксалиш ва маърифатли бўлишни таъминловчи воқеилик сифатида қаралади. Ота фарзандларнинг маънавий-руҳий ривожланишида устоз ролини ўйнаб, фарзандларининг онг-у-тафаккурини ривожлантириш, уларнинг дунёдаги ўрнини англаш, маънавий баркамолликка интилишда ёрдам беради.

Демак, монизмдаги оталик бирлик, аҳиллик, оила ва жамиятнинг барча аъзоларининг мутаносиблиги ва ривожланиши учун масъулият, табиат ва оламга

ҳурмат, шунингдек, маънавий маърифат ва тараққиётни таъминловчи сифатида тушунилади.

**Натижалар.** Маздакийлик – диний-фалсафий таълимот бўлиб, милодий V асрда Эронда вужудга келган. Ижтимоий адолат ва тенгликка катта аҳамият берилган. Маздакий таълимотига кўра оталик ҳам ўзига хос хусусиятлар ва ўзига хос жиҳатларга эга. Маздакизмнинг оталик ҳақидаги тушунчасининг асосий хусусиятлари:

**Жамоавий таълим:** Маздак таълимоти болаларни жамоавий тарбиялаш ғоясини қўллаб-қувватлаган, бунда оталар ва оналар ўз авлодларини тарбиялаш ва уларга ғамхўрлик қилиш учун тенг масъулиятга эга. Бу ҳолда оталик отанинг шахсий жавобгарлиги эмас, балки ижтимоий жараённинг бир қисми сифатида қаралади.

**Жамиятнинг барча аъзоларининг тенглиги:** Маздакийликда барча одамларнинг Худо ва қонун олдида тенглигини тан олинади. Бундай шароитда оталик адолат, тенглик, жамиятдаги мавқеидан қатъи назар, ҳар бир оила аъзосини ҳурмат қилиш тамойилларига асосланиши керак.

**Фаровонлик учун масъулият:** Маздак таълимотида оталар ўз фарзандлари ва бутун оиланинг фаровонлиги учун масъулдирлар. Оталик Худо ва жамият олдидаги муқаддас бурч сифатида қаралиб, ўз яқинларининг ғамхўрлигини, ҳимоясини ва қўллаб-қувватлашини талаб қилади. Адолат ва имкониятлар тенглиги: Маздакийлик жамиятнинг барча аъзолари ўртасида ресурслар ва имкониятларнинг адолатли тақсимланиши тарафдори эди. Оталар ўз фарзандларининг ривожланиш ва ўзини ўзи англаш учун тенг имкониятларга эга бўлишини таъминлашга ҳаракат қилишлари керак.

**Маънавий юксалиш:** Оталик фарзандлар маънавий камолоти ва маърифати учун жавобгардир. Ота фарзандларининг нафақат моддий эҳтиёжларини қондириши, балки уларда маънавий қадриятларни, ахлоқий тамойилларни, ҳаётий кўникмаларни шакллантиришга ёрдам бериши керак.

Маздак таълимотида оталик фарзанд тарбиясига жамоавий ёндашиш, тенглик ва адолат тамойиллари, оила фаровонлиги учун масъулият, жамиятнинг ҳар бир аъзосига ҳурмат ва маънавий камолотга интилиш баркамоллик асоси сифатида характерланади.

**Хулоса.** Оила инсоннинг дунёвий саодатини таъминловчи қўрғондир. Жамият ҳаётининг равнақи, даражаси, сифати кўп ҳолларда оиланинг қай даражада ҳаётга қобиллигида намоён бўлади. Жамият оилаларнинг мажмуидир. Шунинг учун жамиятнинг аҳволи билан оиланинг ҳоли бир-бирига чамбарчас боғлиқ. Шунга кўра жамиятдаги норасоликлар тўғридан-тўғри оилага ёхуд оиладаги иллатлар тўғридан-тўғри жамиятга ўз таъсирини ўтказади. Агар оила ҳалол-пок бўлса, тинч бўлса, жамият мустаҳкам, турмуш фаровон бўлади. Оилада эркак кишининг бурч ва масъулияти алоҳида қайд этилади. Жаҳон динлари ва таълимотларида оталик тушунчаси муайян эътиқодлар ва қарашларга қараб фарқ қилиши мумкин. Бироқ, бир нечта умумий хусусиятларни ўз ичига олади:

1. Оталик оила ва жамият олдидаги масъулият сифатида қаралади.

2. Ота ўз оиласига ғамхўрлик қилиши, уни моддий ва маънавий таъминлаши, фарзандларига иймон ва ахлоқни ҳам ўргатиши керак деб ҳисобланади.

3. Ота оила бошлиғи ҳисобланади ва оила ишларида раҳбар саналади.

4. Маънавий юксалиш ва маърифатли бўлишини таъминлаш зарур. Фарзандлар орасида адолат ва имкониятлари тенглигига эришиши керак. Умуман олганда, дунё динлари ва таълимотлари оталикни ўз фарзандларига нисбатан ғамхўрлик, масъулият ва меҳр-муҳаббатни талаб қилувчи муҳим рол деб билади.

**Адабиётлар/Литература/References:**


1. Трунина О.К. Традиционные семейные ценности православной культуры в воспитании младших школьников – М.: “Вестник ПСТГУ”// IV: Педагогика. Психология, 2016 – С. 31.
2. Brown, David. Jesus and God in the Christian Scriptures. Christianity and Islam 1, London, “Sheldon Press”, 1997. P. – 37.
3. С. Пахомов. Индия. Культура Индии. Жизнь, смерть и жизнь после смерти // Энциклопедия для детей. Том 21. Общество. Ч.2. Культуры мира / Глав. ред. Е. Ананьева; вед. ред. М. Боярский. – М.: “Аванта”, 2004. – С. 107.
4. Шайх Абдулазиз Мансур. Қуръони Карим маъноларининг таржима ва тафсири. –Т.: Тошкент ислом университети, 2011.
5. Шайх Абдулазиз Мансур. Қуръони Карим маъноларининг таржима ва тафсири. –Т.: Тошкент ислом университети, 2004.
6. Зыонг Куок Куан. Конфуцианские представления о семье и их влияние в феодальном обществе Вьетнама. // Вопросы, теория и практика. – Тамбов.: «Грамота», 2013. – С.69.
7. Кобзев А.И. Китайская этическая мысль // Духовная культура Китая: энциклопедия: в 5 т. Т. 1: Философия / под ред. М.Л. Титаренко, А.И. Кобзева, А.Е. Лукьянова; Ин-т Дальнего Востока. М.: «Восточний лититература», 2006. С. 126.
8. Каримова Д.Р. Права ребенка в зороастризме. Журнал научных публикаций аспирантов и докторантов. (Курск), № 4 (130), с. 65.

**ISSN:** 2181-1342 (Online)
**Сайт:** https://scienceproblems.uz
**DOI:** 10.47390/SPR1342V4I4Y2024

# SCIENCEPROBLEMS.UZ

## ИЖТИМОИЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

*№ 4 (4) – 2024*

## АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

## ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари”** электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

**Муассис**: “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамияти

**Таҳририят манзили:**

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил: scienceproblems.uz@gmail.com

**Боғланиш учун телефонлар:**

(99) 602-09-84 (telegram).